ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 5 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

МОРФОЛОГИК ҲОДИСАЛАРДА ЛИСОН ВА НУТҚ ДИХОТОМИЯСИ, СЎЗ ТУРКУМЛАРИ ВА ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАР ТАСНИФИ

Фазлиддин Галиевич Шарипов
Гулистон давлат университети доцент
fazliddindpr@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек тилшуносликнинг энг мураккаб сатҳларига алоқадор ва ечимини кутаётган, назарий асосланиши долзарб бўлган, назарий тилшуносликнинг ҳолатини белгилаб берувчи тадқиқотлар тўхталиб ўтган. Бунда профессор Р.Сайфуллаеванинг тилнинг ўзига хос – фонетик, лексик, грамматик структуранинг яхлит ўрганилганлигига, Б.Менглиевнинг лисон, нутқ, тил муносабатларини таҳлил қилинганлиги, М.Ў.Мирзақулов эса ўзбек тили морфемикасини систем-структур нуқтаи назардан дастлабки илмий-тадқиқот тажрибаларини, Ш.М.Искандарованинг ўзбек тили лексик системаси яхлит ҳолда “мазмундан шаклга” тамойили, шахс архисемаси орқали бирлашган лексемаларнинг майдонларга бирлашиш каби ўзбек тилшунослигидан ечимини кутаётган муаммоларни атрофлича ёритиб берилади. Х.З.Хайруллаев, Ж.Ё.Ибрагимов ва А.Б.Пардаевларнинг тилга система сифатида ёндашиш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари ҳам кўриб ўтилади.

Калит сўзлар: формал, формал-функционал, систем, систем-структур, субстанциаль, лисон, нутқ тил, тил бирликлар, ёндаш маъно, ҳамроҳ маъно, сўз, сўзшакл, семантик, морфологик, синтактик, гап, сўз бирикмаси.

LINGUISTIC AND SPEECH DICHOTOMY IN MORPHOLOGICAL PHENOMENA, CLASSIFICATION OF WORD COMBINATIONS AND GRAMMATICAL CATEGORIES

ABSTRACT

The article deals with the research related to the most complex levels of Uzbek linguistics and waiting for their solution, the theoretical justification of which is relevant, determining the state of theoretical linguistics. At the same time, the problems awaiting solutions in Uzbek linguistics will be covered in detail, such as Professor R. Sayfullayeva's holistic study of the specifics of the language-phonetic, lexical, grammatical structure, B. Mengliev's analysis of linguistic, speech, and language relations, and M.U. Mirzakulov's first research experiments in the morphemics of the Uzbek language from a system-structural point of view, S.M. Iskandarova's principle of” from content to form " of the lexical system of the Uzbek language, the unification of lexemes United through personal archetypy, in the fields. The scientific research of Kh. . Khairullaev, J.Y. Ibragimov, and

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

A.B. Pardaev on the systematic approach to language is also considered.

Keywords: formal, formal-functional, system, system-structural, substantial, lexical, speech language, language units, approximate meaning, concomitant meaning, word, phrase, semantic, morphological, syntactic, sentence, phrase.

КИРИШ

Умуман олганда, тил-система сифатида қадимдаёқ идрок этилган, унга Аристотель ҳам, Форобий, Беруний, Ибн Сино, М.Қошғарий, Замахшарий ҳам, йирик тилшунос Сибавайхий ҳам, деярли барча тилшунослар ҳам система сифатида ёндашган. Унинг таркибий қисмлари ҳам алоҳида системалардан иборат бўлади. Шундай экан, идрок этиладики, тилни яхлит ҳолда системавий ўрганиш билан унинг алоҳида сатҳларини система сифатида ўрганиш ҳам бир-биридан фарқ қилади. Тилшунослик фани системани, яъни унинг системаларини ўрганар экан, бундан тилнинг бирорта сатҳи мустасно бўлмайди. Бироқ тилнинг у ёки бу сатҳини алоҳида система сифатида дастлабки ўрганилиш даврларга кўра ёки эътиборнинг кўп-кам қаратилганлигига, ўрганилганлик даражасига ҳамда бошқа жиҳатлардан фарқ қилиши мумкин. Жумладан, кўпчилик олимларнинг эътирофича, лексик сатҳ тилнинг марказида туради. Шунга кўра, лексикани тадқиқ этиш нисбатан анча илгари бошланган, деган фикрлар юради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тилшунослик тарихига оид ишлардан ҳам маълум бўладики, бу гапда, албатта, жон бор. Бунга амин бўлиш учун В.А.Звегиндевнинг «История языкозания XIX-XX веков в очерках и извлечениях» асари[1] билан танишишнинг ўзи кифоя қилади. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, бу китобнинг аввалги саҳифаларида ҳинд ва грек тилшунослиги тарихи борасидаги ўринларда тилнинг фонетика ва грамматика сатҳларини ўрганишнинг олдинроқ бошланганлиги, айниқса, энг аввал гап ўрганилганлиги ҳақида ҳам фикрлар билдириладики, бу лексик сатҳни ўрганишга эътибор, ҳақиқатан ҳам, илгари бошланган деган фикрни тўла қувватламайди. Ҳар ҳолда лексик сатҳни системавий ўрганиш билан лексик сатҳни компонент таҳлил усулида ўрганиш бир-бирига тенг эмас. Демак, тилни, унинг сатҳларини система сифатида ўрганиш билан, маълум тадқиқ усулларини (компонент таҳлил, парчалаб туриб таҳлил қилиш, эзғилаб таҳлил қилиш, майда гуруҳларга бирлаштириб туриб таҳлил этиш – номларини аниқ ажратиб олишнинг ўзи ҳам муаммоли: баъзан «формал», «формал-функционал», «систем», «систем-структур», «субстанциаль» каби терминлар билан аталиб кетилаверган) аралаштириб қўллаш ҳам кузатилади. Бу ҳақдаги фикрлар XXI асрнинг бошларида «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» рукнида берилган академик А.Ҳожиев ва профессор Ё.Тожиевларнинг мақолаларида ёритиб берилган.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

Тадқиқотнинг объекти сифатида морфологик ҳодисаларда лисон ва нутқ дихотомияси, сўз туркумлари ва грамматик категориялар таснифи билан боғлиқ илмий асарлар таҳлилга тортилди. Бундан ташқари мақолада жаҳон тилшунос олимларининг илмий тадқиқотларидан, яъни лисон ва нутқ билан боғлиқ мунозарали масалаларга ойдинлик киритганлиги тўғрисидаги маълумотлар ўрин эгаллаган. Тадқиқот мавзусини ёритишда тарихий-қиёсий ва функционал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбек тилшунослигининг 90-йилларидан кейинги ҳолати олдинги давр ютуқларидан баҳраманд бўлган ҳолда, унинг узвий давоми, шаклланиб бўлган босқичи сифатида баҳоланиши мумкин. XX асрнинг 90-йилларидаги тилшуносликда ҳам, XXI аср бошларидаги тилшуносликда ҳам, ўз илмий фаолиятларини XX асрнинг, хусусан 40-80-йиллари тилшунослигини пухта ўрганиб чиқиб, илмий фаолиятларини 60-70-йиллардан бошлаган етакчи тилшуносларнинг, кўпчилиги истиқлол даври тилшунослигида ҳам етакчилик қилмоқдалар.

Истиқлол даврида ўзбек тилшунослигининг олдинги авлод вакиллари ва улар қаторини тўлдирган кейинги авлод вакиллари илмий тилшунослигининг тўлиқ шаклланишини таъминлашда катта ҳиссаси бор. Бу даври ўзбек тилшуносликнинг энг мураккаб сатҳларига алоқадор ва ечимини кутаётган, назарий асосланиши долзарб бўлган, назарий тилшуносликнинг ҳолатини белгилаб берувчи тадқиқотлар сирасига М.Миртожиевнинг «Ўзбек тили семасиологияси» (2010), А.Ҳожиевнинг «Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари» (2010), А.Нурмоновнинг «Структур тилшунослик илдизлари ва йўналишлари» (2006), Ш.Сафаровнинг «Когнитив тилшунослик» (2006) ва «Прагмалингвистика» (2008), Р.Расуловнинг «Умумий тилшунослик» (2005) каби илмий асарлар киради.

Азим Ҳожиевнинг 2010 йил нашр қилинган “Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари” монографиясида лисон ва нутқ масаласига жиддий эътибор қаратган. Олим тил бирлигининг моҳиятини тўғри белгилашида, аввало, унинг лисон ва нутққа муносабатини - лисоний ва нутқий бирлик бўлишини аниқ белгилаш талаб этилишини таъкидлайди. Чунки ўзбек тили системаларининг шаклланиш билан боғлиқ назарий муаммоларга жиддий эътибор қаратилиши орқали лисон ва нутқни аниқ фарқлаш, ҳар бирининг моҳиятини аниқ белгилаш биринчи навбатдаги вазифа деб қаралишни таъкидлайди. Олимнинг таъкидлашича, лисон ва нутқ масаласини ўзбек тилшунослигида эътибор қаратишда икки хил муҳим камчиликка йўл қўйилганлигини айтади:

а)лисон ва нутқ масаласида ўзга тилшуносликда мавжуд бўлган фикрлардан тўла ва ўринли фойдаланмаганлиги;

б)лисон ва нутқ масаласида бевосита ўзбек материаллари асосида иш

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

кўрилмаганлигидир.

Чунки бу икки ҳолат масалани ижобий ҳал қилишга тўсқинлик қилиш ҳамда бошқа тилшуносликдан олинган фикрларни ўзбек тили материаллари тасдиқламаслигини алоҳида уқтириб ўтади.

Олим 1995 йилда Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар томонидан нашр қилинган “Ўзбек тили систем лексикологияси асослари” китобининг 7-бетидаги нутққа берилган таъриф “жуда мавҳум, тамтароқли гаплардан иборат бўлиб, тил билан нутқнинг моҳияти, ҳар бирининг ўзига хос хусусияти ҳақида аниқ тасаввур бермайди” - деб келтирган[9.Б.6].

А.Ҳожиев яна бир, яъни Ш.Раҳматуллаевнинг “Тил қурилишнинг асосий бирликлари” китобидаги маълумотларга диққатини қаратади. Унинг 12-13-саҳифасидаги тилга берилган таърифда, дастлаб, лисон ва нутқни фарқлаш лозимлигини айтиб, булар бўйича хулосаларини келтиради. Лисоний бирлик, нутқий бирлик ҳодисаларига ойдинлик киритганини таъкидлаб, “лекин, барибир, лисон билан нутқ ҳақида аниқ тасаввур бермайди” - деб фикр билдиради[9.Б.6].

Олим юқоридаги икки ишда лисоннинг асосий хусусиятлари қуйидагича деб белгилайди: а) бевосита кузатишда берилмаганлик; б) киши миясининг тил хотираси марказида мавжуд бирликлардан уларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги тасаввурлардан ва улардан фойдаланиш қоидаларидан иборат тайёр бойлик эканлиги[9.Б.7].

Китобнинг 7-8-саҳифасида лисонга, лисоний бирликлар бериладиган таърифларга эътирози йўқлигини билдириб, лекин “тил бирликларнинг ўзаро бирикиши ҳақидаги қоидалар” ва “ўзаро муносабат ҳақидаги тасаввурлар” лисоний бирлик ҳисобланмаслиги, улар нутқ ҳосил бўлиш жараёнида ҳам нутқ бирлигига айланмаслигини айтади. Бунга мисол сифатида “теримчиларни” сўзни келтиради: теримчиларни сўзида уч унли фонема (а, э, и), бир туб сўз (тер), икки ясама сўз (терим, теримчи) воқеланади, ҳар бир ясама сўзда сўз ясовчи бирлик(-им, -чи), шунингдек, шакл ясовчи икки тил бирлиги (-лар, -ни) воқеланади ҳамда сўз ясалиши ва шакл ясаш қоидаларига амал қилади, яъни ясама сўз ва сўз шакллари маълум қоидалари асосида ҳосил қилинади. Яхлит қилиб айтганда, “намоён бўлиш” тўла ифодасини топади. Лекин бирон бир нутқ ҳодисаси юз бергани йўқ, яъни айтилган лисоний бирликларнинг бирортаси нутқ бирлигига айлангани йўқ” деб фикр билдирган.

Бундан шундай хулосага келинадики, лисоний ва нутқий бирликларни белгилашда ва бир-биридан фарқлаши ҳам лисон билан нутқнинг шу асосий хусусияти асосланиш керак бўлишини, яъни лисоний бирлик лисонга мансуб бўлиб, унинг нутққа алоқаси йўқлигини айтади[9.Б.8]. Нутқ бирлиги эса фақат нутқда мавжуд бўлиши, нутқсиз нутқ бирлиги бўлиши мумкин эмас деб, лисоний бирликлар нутқдан ташқарида ҳам амал қилинишини қатъий таъкидлайди. Ва теримчиларни

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

сўзи таркибидаги тер сўзи, сўз ясовчи, сўз шаклини ясовчи -им, -чи, -лар, -ни морфемалари лисоний бирлик, улар ўз вазифалари билан сўз ясаш, сўз шаклини ясаш учун хизмат қилиш айтилиб, бирортаси нутқ бирлиги ҳисобланмаслигини келтирган. “Теримчиларга мукофотлар топширилди” – гапидаги теримчиларга сўз шакли гап бўлаги вазифасини бажаради ва нутқ бирлиги ҳисобланиши, лекин таркибидаги фонема, морфема, ҳаттоки, “тер” қисми нутқ бирлиги бўла олмаслиги асослаб берилган.

Китобнинг 9-саҳифасидан 17-саҳифасигача тил бирлиги, тил қурилиши, тил сатҳи, тузилиши, тил системаси терминлари ҳақида сўз боради. Бу терминларнинг ўзбек тилшунослигида кенг қўлланилаётганлиги, лекин бу терминлар ифодалайдиган тушунчалар моҳияти, булар тил ҳодисасини ифодалай олиш-олмаслиги масаласида аниқ бир фикрга келинмаганлиги айтилиб, бу ҳолат тил системаси билан боғлиқ энг муҳим ҳодисаларнинг моҳиятини ёритишида ўзига хос салбий оқибатларга олиб келиши изоҳланган. Мисол учун тил бирликларининг турлари: фонологик бирлик, лексик бирлик, морфологик бирлик бўлиб, тил қурилиши бирлиги, морфологик сатҳ бирлиги каби бирикмалардаги “тил қурилиши” бирлиги термин талабга жавоб бермаслиги, унинг таркибидаги “тил қурилиши” бирикмаси, бу бирикма таркибидаги “қурилиш” сўзи ҳодисанинг (лингвистик тушунчанинг) моҳиятини аниқлаштириш учун хизмат қилмайди дейилган. Бунга сабаб бўлган ҳодиса сифатида бошқа туркий тилларда қўлланилган терим ўзбек тилида қўлланиш ҳам сабаб бўлган деб кўрсатади.

Шу ўринда система ва структура ҳодисаларига ҳам алоҳида урғу берилган. А.Нурмановнинг системага берган таърифига қониқиш ҳосил қилмаган ҳолда “системанинг асосий муҳим хусусияти бир хил қийматга эга бўлган тил бирликларнинг муайян белги асосида бирлашувидан ташкил топган бутунлик бўлиши” деб таърифлайди[9.Б.15]. “Структура” сўзига таъриф берар экан, аввало, системадан фарқли эканлиги, яъни тил бирликларининг сатҳланишида аниқроқ тасаввур этиш мумкинлигини, яъни тил сатҳлари йиғиндиси тил бирликларидан ташкил топганлигини айтади. Бунда тил бирликлари билан боғлиқ ҳодисалар, яъни тил бирликларининг ўзаро муносабати асосида юз берадиган ҳодисалар, масалан, тузилмалар, парадигмалар назарда тутилмаслигини тушунилади. Шунинг учун ҳам муайян тил системасига мансуб тил бирликлари билан боғлиқ ҳодисаларга нисбатан тузилиш, тузилма (структура) сўзлари қўлланилмаслигини “эгалик шакллари” мисолида келтиради. Бундан ташқари “тил қурилиш” терминнинг изоҳли луғатларда учрамаслиги, ўзбек тили материаллари асосида ёндашилса, “қурилиш” ҳодисаси йўқлиги таъкидланади.

Китобнинг “Тил бирликларининг таснифи” қисмида “тасниф” сўзининг луғавий маъноси, қўлланиши жиҳатларни таҳлилга тортиб, бевосита сўз туркумларнинг номланиши эътибор қаратади. Бунда ҳар қандай тасниф муайян белги, нуқтаи назар асосида амалга оширилиши асосий вазифа эканлиги билдирилади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

Масалан, сўзларни мустақил ва мустақил бўлмаган сўзларга ажратишида, луғавий маъно эгалиги ва эга эмаслиги назарда тутилади ва ҳаказо. Лекин тилга система сифатида ёндашилса, тил системаларининг шаклланиш билан боғлиқ ҳодисалар ўрганилганда, бундай таснифлар аҳамият касб этмаслиги “ёрдамчи сўз” термин мисолида асосланган. Бунда шундай изоҳланади: “ёрдамчи сўз” бирикмасида, “ёрдамчи” сўзи ҳам, “сўз” сўзи ҳам “кўмакчи”, “боғловчи”, “юклама” деб аталаётган тил бирликларига хос умумий белгини ҳам ҳар бирига хос хусусий белгини ҳам қайд эта олмайди, яъни уларда шу хусусият (белги)ларни қайд этиш билдириш имкон умуман термин ҳосил қилиш имкони йўқ. Ҳатто “ёрдамчи сўз” бирикмаси “мустақил сўз” бирикмаси ифодалайдиган тушунчага зид бўлган тушунчани ҳам билдира олмайди. Чунки “мустақил”нинг зиди “номустақил” бўлади деб бугунги кунда тилшунослигидаги мунозарали масалага асосли фикрларни айтиб ўтди.

Яна бир ҳодисага алоҳида урғу берадики, кўмакчи, боғловчи ва юклама ҳақида гап борганда, бу тил бирликларининг сўз ва аффикс шаклидаги турини ҳисобга олиб, “сўз” сўзи қўлланилмайдиган термин топишини ва истеъмолга киритиш шартлигини айтади.

Бундай ҳодисаларга профессор Р.Сайфуллаеванинг 2010 йилда нашр этилган «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида ҳам изоҳ бериб ўтилган. Бунда тилнинг ўзига хослиги – фонетик, лексик, грамматик структуранинг яхлит ўрганилганлигига гувоҳ бўламиз[7.Б.213; 10.Б.50-64]. Тил яхлит система сифатида мавжуд бўлиб, зоҳирий ва ботиний тарзида тушуниш имконини беради. Зоҳирий аломатида товуш, сўз ва қўшимчаларни, сўз – гап ва сўз бирикмаларини ташкил этишда намоён бўлиши айтилади. Яхлитликнинг ботиний идрокида эса, фонетик омилнинг қўшимча сўз, сўз бирикмалари маъносини, лексик омилнинг – фонетик, грамматик, грамматик омилнинг фонетик ва лексик ҳодисаларини фарқлаши ва нутққа олиб чиқиш каби ҳолати эътиборга олиниши назарда тутилган[7.Б.214].

Грамматика - тилнинг сўз ўзгартириш ва сўз бириктириш қоидалари ҳақида бўлиб, бунда сўз ўзгартириш доирасида сўзшакллари, сўзшаклларини ҳосил қилувчи грамматик категориялар ва ўзгариш асосида фарқланувчи сўзнинг грамматик гуруҳи – сўз туркуми ҳамда бу ҳодисаларнинг маҳсули бўлмиш сўз бирикмаси ва гап бир вужуднинг икки томони сифатида қаралиб, морфология ва синтаксисни фарқлашни тақозо этилишини билдиради. Китобда грамматик маъно, грамматик шакл ва грамматик категорияларга алоҳида тўхталиб ўтилган.

Грамматик маъно таърифида учта асосий унсурни: грамматик маънонинг барча тил бирликларига хослиги, бевосита нутқни шакллантириши ҳамда умумлашма ва абстрактлигини таҳлил қилиб ўтган[7.Б.217]. Демак, бу унсурлар бевосита нутқни шакллантиришга хизмат қилади, чунки лисоний бирлик грамматик маънодан ҳоли қилинса, у нутқ учун тайёр бўлмаслиги мисоллар орқали асосланган. Масалан, бола лексемасининг луғавий маъноси нутқ грамматик маъно воситасида киради. Унинг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

келишик, сон, субъектив баҳо, ҳоким ёки тобе алоқа, қайси гап бўлаги эканлиги каби грамматик маънолари лисоний сатҳда йўқ, лекин улар қаватланса нутқ таркибга кира олиш айтилган[7.Б.217;11].

Демак, грамматик маъно, морфологик сатҳда сўзларнинг умумий маъноси бўлган сўз туркумлари, шунингдек, ҳар бир сўзшаклнинг маълум бир морфологик категория доирасида қарама-қарши қўйилувчи маъноси сифатида, синтаксисда эса, предикативлик, сўз бирикмасидаги ҳоким ва тобелик узвларнинг, гап бўлакларнинг бир-бирига ўзаро муносабати сифатида намоён бўлишини назарда тутган.

Мустақил сўзлар бир вақтнинг ўзида ҳам луғавий (болалар - одам жинсига мансуб бўлган, ёш жиҳатдан) ҳам грамматик маъно (турдош от, кўплик сон, бош келишик, эга) га эгалиги билан фарқланиб туради. Грамматик маънони қуйидаги 3 турида морфологик маъно қирраларини кўрамиз: а) маълум бир туркумга кирувчи сўзнинг улар қайси морфологик шаклда бўлишидан қатъий назар, барчаси учун бирдай тегишли бўлган грамматик маъно (отлар предметлик); б) бир туркумдаги бирор гуруҳнинг қандай грамматик шаклда бўлишидан қатъий назар барча сўзларга хос бўлган грамматик маъно (озайтирма даража сифатнинг фақат ранг билдирувчи турига хос); в) бирор туркумдаги маълум бир сўзнинг маълум бир шаклдаги туригагина хос бўлган грамматик маъно (ўзлик олмошига келишик қўшимчаси фақат эгалик қўшимчасидан кейин қўшилади, олмошнинг бошқа турларида йўқ).

Грамматик маънонинг умумий грамматик маъно, оралиқ грамматик маъно ва хусусий грамматик маъно турларига бўлинади. Грамматик шаклнинг фаҳмий ҳис қиладиган алоҳида маъноси хусусий грамматик маъно дейилади. Масалан, дафтарнинг варағи - варақ сўзини дафтар сўзига боғлаш, умумий грамматик маъноси эса, кейинги сўзни олдини сўзга боғлаш[7.Б.220-221].

Демак, умумий грамматик маъно лисоний табиатли бўлиб, лисоний бирликларга хос барча белгига, хусусий грамматик маъно нутқий маъно бўлиб, нутқий бирликлари хос бўлган белгига эгалиги билан фарқланади. Умумий грамматик маъно ҳар доим ҳам қуйи маънога нисбатан олинади[7.Б.222]. Бундан категория ва шакл маъноси ҳамда унинг хусусий кўриниш диалектиканинг умумийлик – махсуслик - алоҳидалик категориясига методология сифатида таяниш тилшуносликда грамматик маънога нисбатан умумий грамматик маъно – оралиқ грамматик маъно – хусусий грамматик маъно тарзида татбиқ этилганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, тушум келишиги, “олдинги мустақил сўзни кейинги мустақил сўзга боғлаш – умумий грамматик маъно; “олдинги исмни кейинги феълга воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш” – оралиқ грамматик маъно ва тушум келишигининг нутқ парчаси “китобни ўқимоқ” бирикувида воқеланган “китоб” сўзини “ўқиш” сўзига воситасиз тўлдирувчи сифатида боғлаш –хусусий грамматик маъно сифатида талқин этилади.

Китобнинг 224-бетида яна бир жиддий мулоҳаза юритишга мажбур қиладиган маълумотга дуч келамиз. Бу - умумий грамматик маъно ички таҳлилда категориал

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

маъно ва унга ёндаш ҳодиса фарқланиши берилган. Масалан, -лар кўплик шаклини оладиган бўлсак, унинг умумий грамматик маъноси “миқдор”, “ноаниқ”, “аниқ”, “сифат”, “бўлинувчи”, “бўлинмас” каби унсурларга эга. Бу унсурларнинг категория марказида “миқдор” унсури ётганлиги ва қолган унсурлар унга дахлдор эмаслиги сезилади. Хулоса шундаки, категория марказдаги унсур билан доимий равишда намоён бўладиган унсур ёндош маъно сифатида баҳоланади. Масалан, миқдор, сифат; эгалик, шахс, қарашлилик каби. Лекин грамматик шакллар нутқда баъзан умумий грамматик маъносида бўлмаган маънони ҳам воқелантиради. Яъни шакл моҳиятига ҳам умумий грамматик маъно таркибига ҳам кирмайди. Бу эса ҳамроҳ маъно деб юритилади. Масалан, -лар қўшимчаси ҳурмат маъносини, -инг қўшимчаси шахс-сон маъносини ифодалашини мисол сифатида келтириш мумкин.

Китобнинг 227-бетида сўз шакллар тўғрисида ҳам фикр билдирилган бўлиб, лексеманинг нутқда воқеланган кўриниши сўзшакл айланмаси билан берилган. Сўз шаклларнинг бир неча тури мавжудлиги баён қилинган: а) аффикслар ёрдамида ҳосил бўладиган сўзшакл (синтактик ёки “ёпишган”); б) номустақил (фақат грамматик маъно ифодалайдиган) сўз билан ифодаланадиган сўзшакл (аналитик ёки “ажралган шакл”); в) ҳам аффикс, ҳам номустақил сўз ёрдамида ифодаланган шакл (синтактик – аналитик ёки “аралаш” шакл); г) сўзнинг такроридан ҳосил бўлган шакл (ёки такрорий шакл). Аффикс ёрдамида ҳосил бўлган сўз шакл моддий шаклга эга бўлмаслиги ноль шакл деб юритилса (шоир - бош келишик бирлик), грамматик шаклланган сўз шакллар моддий шаклга эга бўлган сўз шакллардир (ўқиди-ўтган замон, III шахс). Шу ўринда грамматик маънони аффиксал восита, соф номустақил ва номустақил сўз, сўз тартиби, такрор, оҳанг, синтактик қолиплар ташкил этишини эслатиб ўтишини жоиз топдик.

Грамматик маънони ифодаловчи энг сермаҳсул аффикс бу – шакл ясовчи аффикслардир. Лекин грамматик маънонинг характерига ва ўз моҳиятига кўра аффикслар икки турга: сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикс тарзида изоҳланган. Бунда сўз ясовчи аффикслар ҳам сўзга қўшилиб янги луғавий маъно ҳосил қилади ва сўзнинг грамматик табиатига таъсир ўтказади. Масалан, иш сўзига -ла қўшимчасини қўшиш янги луғавий маънони вужудга келтириш билан бирга, янги грамматик маъно ҳам ифодалайди. Иш - “предметлик”, “от”; ишла - “жараён”,“феъл”.

Грамматик маънонинг сўз тартиби орқали ифодаланишида, сўз тартибининг ўзгариши грамматик маънонинг ўзгаришига олиб келади, яъни “гап” ва “сўз бирикмаси” тарзида воқеланиш назарда тутилса, оҳанг орқали ифодаланган грамматик маънода эса, гапнинг турини (дарак, сўроқ, буйруқ), гап бўлакларини (Укам сен кел - Укам, сен кел каби) ажратиш алоҳида эътиборга олинади.

Категория атамасига фалсафада “объектив борлиқ ва билишдаги моҳиятан кўпроқ қонуний алоқа ва муносабатни акс эттирувчи умумий тушунча” тарзида таъриф берилган[7.Б.239]. Тилшуносликда эса категория иккилик ёки кўплик тарзида

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

ифодаланиши тушунилади.

Бундан ташқари китобда синтактик категорияга қўшилиб бўлмаслик тўғрисида ҳам сўз боради. “Бугунги тилшунослигимизда грамматик категория атамаси остида, асосан, морфологик категорияни тан олиш устувор. Умуман олганда, синтактик категория ҳам грамматик категория сифатида қаралса-да, хусусий ҳолларда, яъни синтактик текширишларда категория тушунчаси эътиборга молик аҳамият касб этмайди. Бунга қўшилиб бўлмайди, албатта” – тарзида ифода қилинган[7.Б.239]. Грамматик маънони муайян маъно умумийлиги остида бирлашган ва ўзаро бу маънонинг парчаланиши, хусусийлашуви асосида зидланадиган грамматик шакл системаси сифатида беради, яъни маълум бир турдаги шаклланган умумий маъно асосидаги барқарор муносабати тузилмасидан иборат бўлган янги бир бутунлик. Бунда умумийлик ва фарқ умумий маъно остида бўлиш лозим. Демак, бундан шундай хулосага келинадики, грамматик категория белгилашда барча жиҳатлари инобатга олиниши зарур, синтактик категорияда юқоридаги жиҳатларни қайсидир етишмаслигини кўрсатиб ўтган.

Умумий хулосалардан келиб чиқиб, грамматик категорияга қуйидаги таъриф берган “бир умумий грамматик маъно сифатида бирлашувчи, шу асосида бир-бирини тақозо ва бу умумий маънонинг парчаланиши асосида инкор қилувчи шакллар тизими грамматик категория дейилади[7.Б.241]. Грамматик категориянинг тўққиз тури мавжудлигини айтиб, барчаси лисоний ҳодиса бўлганлиги сабабли турли томондан тасниф қилинади:

а) категория шаклларнинг маъновий таркибига кўра;

б) морфологик категориянинг сўз туркуми ёки гап бўлакларига хослигига кўра;

в) морфологик категория синтактик қобилиятининг йўналишига кўра.

Демак, биринчи таснифда грамматик категория содда ва мураккаб категорияга бўлинади. Содда грамматик категорияга нисбат, субъектив муносабат, сон, қиёслаш, даража, эгалик категорияларнинг киритиб, уларнинг бошқа категорияларда тажаллиси йўқлигини нисбий тарзида белги қилиб олган. Бу категориялар таркибидаги ёндош ва ҳамроҳ маънолар бошқа категорияга тегишли эмас. Мураккаб категорияга эса эгалик, ўзгаловчи, ҳаракат, тарзи, кесимлик каби грамматик категориялари киради. Масалан, эгалик категорияси: а) лисоний ва нолисоний муносабатни ифодалаш; б) шахс маъносини (нокатегориял); в) сон маъносини (нокатегориял) ифодалаб келади. Бу жиҳатлар кесимлик категориясида ҳам мавжуд.

Ўзгаловчи категория ҳам мураккаб бўлиб, унда равишдош, сифатдош ва ҳаракат номи шакллар маънолари ёндош маъно сифатида бир бутунликни ташкил этади.

Сўз туркуми ёки гап бўлагига хослиги жиҳатдан морфологик категория иккига бўлинади[7.Б.243].

а) лексик – морфологик категория;

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

б) фукнционал морфологик категория.

Лексик – морфологик категорияга нисбат, ҳаракат тарзи, бўлишли-бўлишсиз, ўзгаловчи, сон, субъектив муносабати, қиёслаш, даража категориялари киритилган бўлиб, улар айрим гуруҳга, яъни туркумларга хослиги билан фарқланади. Функционал-морфологик категорияларга келишик, эгалик, кесимлик категориялари кириш уларни шу вазифани бажарувчи барча сўз туркумларига алоқадорлиги билан фарқланади. Масалан, кесимлик - барча кесим бўлиб келувчи сўз туркумларига тегишли (феълга эмас), келишик ва эгалик категориялари фақат от сўз туркумига қўшилмаслиги бу – функционал-морфологик категорияни ташкил этишини билдиради.

Категориялар ичида бугунги кун янги тадқиқоти сифатида бош қотиришга тўғри келадиган турларидан бири - алоқа муносабат категориясидир. Бу гап бўлакларига, сўзнинг синтактик мавқеига хос бўлиб, қайси гап бўлаги вазифасида келаётганлиги, гапда қандай синтактик вазифа бажараётганлигига қараб алоқа-муносабат шаклини қабул қилади. Бунда сўз туркумининг кўпроқ қайси гап бўлаги вазифасида хосланганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, от - тобе мавқеда бўлиб, эга, тўлдирувчи, қаратқич аниқловчи, ҳол. Дарвоқе, китобнинг 256-бетида сўз туркумлари хусусида сўз юритилган бўлиб, буларнинг қайси хусусиятларига қараб туркумларга ажратиш кераклиги, қайси белги кучли ёки қайси белгиси кучсиз эканлиги вазифа қилиб олинган.

Лексика ва грамматика, лисон ва нутқ, тил ва борлиқ муносабатларини шундай қоришган ҳолати сўз туркумларида ўз аксини топган бўлиб, бу жиҳати уларнинг таснифи мураккаб тарзда тузилганлиги айтилган.

Сўз туркумларининг асосий мезони лексика, морфология ва синтактик эканлиги бугунгача тилшуносларимиз томонида ўқитилиб келинаётган бўлса, 2010 йил нашр этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тил” дарслигида сўз туркумларининг ўзаро муносабати, уларнинг кесишув нуқталари, яқинлашуви ва узоқлашуви кўпинча назардан четга қолиш айтилган[7.Б.256].

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўз туркумларга ажратиш, уларнинг семантик хоссасига таяниш одат тусига кирган бўлса, баъзи тилшунослар томонидан маъновий ва синтактик белгилари асосида гуруҳланади.

Мазкур китобда яна бир жараёнга алоҳида эътибор бериш таъкидланган “таснифни фақат бир мезон асосида амалга ошириш, таснифнинг икки белгисини бир пайтнинг ўзида қўллаб, уларни қориштирмаслик” қоидасига қатъий риоя қилиш лозимлиги айтилади. Шундай бўлса-да, сўз туркумларнинг ажратишнинг тўғри изоҳи семантик, морфологик ва синтактик белгиларини инобатга олишдир дейди[7.Б.257].

Бугунги кунда тилшуносларимиз томонидан четлаб ўтаётган масалага Л.В.Щерба шундай изоҳ беради: “Фақат гуруҳлар марказидаги бирликлар аниқ. Сўз туркумлари чегарасидаги оралиқ бирликлар эса ҳамиша у ёқ - бу ёққа тебраниб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

туради. Ана шу ноаниқ, хира ва тебраниб турувчи ҳолат тилшуноснинг диққатини кўпроқ ўзига жалб этмоғи лозим”. Бу қараш бугунги систем-структур тилшуносликнинг олдида турган вазифалардир.

Қайд этилган уч мезондан ҳаммаси ҳам сўз гуруҳларини белгилашда бир хил мавқега эга эмаслиги синтактик вазифага кўз ташланишини айтади[7.Б.259]. Морфологик таснифда эса, икки муҳим жиҳат: сўзнинг шакл ясалишига потенциал имконияти ва муайян грамматик категориал маъно ифодаланишининг маълум бир сўз гуруҳлари билан боғлиқлиги: биринчи жиҳатига кўра ўзгарувчан ва ўзгармас сўз фарқланса, иккинчи жиҳатида сўз туркумлари (морфологик гуруҳлари) фарқланиши айтилган.

Тилшуносликнинг морфология бўлимидаги ўзгарувчи лексемалар феъл, от, сифат ва сон туркумлари бўлиб, луғавий шакл ҳосил қилувчиларни қабул қилиш биринчи босқичга қўйилган бўлса, тақлид, равиш, кўмакчи, боғловчи, юклама ва сўз-гаплар бундай хусусиятга эга бўлмаганлиги боис ўзгармас лексемалар сарасига кирган[7.Б.260].

Сўзларнинг семантик таснифига кўра эса мустақил луғавий маъноли сўз (от, феъл, сифат, сон, равиш, тақлид), номустақил луғавий маъноли сўз (олмош ва сўз-гап) ва луғавий маъносиз сўз (кўмакчи, боғловчи, юклама) тартибида уч гуруҳга ажратилган бўлиб, олмош англатадиган маъно у алмаштираётган сўзнинг маъноси бўлганлиги, сўз-гапларнинг (тасдиқ, инкор, таклиф, ундов ва модал) эса бутун бир гап вазифасида келиши луғавий маъносиз сўзлардан фарқини кўрсатди[7.Б.260].

Лексемаларнинг синтактик таснифига келадиган бўлсак, гап бўлаги бўлишга хосламаган сўз (ундов, модал, сўз-гап), гап бўлаги бўлишига хосланган сўз (феъл, от, сифат, сон, равиш, тақлид, олмош) ва синтактик алоқа воситаси бўлишга хосланган сўз (кўмакчи, боғловчи, юклама) тарзида уч гуруҳга тақсимланган.

Демак, ўзбек тилидаги лексемаларнинг семантик, морфологик, синтактик белгилари мажмуидан иборат серқирра моҳиятини ҳисобга олиб, мустақил сўзлар етти турга: феъл, от, сифат, сон, равиш, тақлид ва олмош; ёрдамчи сўзлар уч турга: кўмакчи, боғловчи ва юкламалар ҳамда оралиқ сўзлар эса сўз-гапларга ажралиши асослаб берилган[7.Б.265].

Б.Менглиевнинг 2018 йил нашр “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигида лисон, нутқ, тил муносабатларини жуда содда кўринишда таҳлил қилган. Бу уч муносабат масаласига ойдинлик киритиш мақсадида, дастлаб, илмий билиш назариясини чуқур ўрганмоқ лозимлигини таъкидлаб, бу - махсус методология ва усуллар асосида борлиқ ҳақида билим ҳосил қилиш эканлигини таъкидлайди.

Илмий бўлимнинг фаҳмий ва назарий билиш орқали бугунги тилшуносликнинг мазмун-моҳиятини тушунишлигини идрок қилиб берди. Чунки назарий билиш эмпирик яъни фаҳмий билишсиз амалга ошмайди. Эмпирик (сезги аъзолари) билиш жараёнида тўпланган фактик материал назарий билиш жараёнида ақлий тафаккур

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

йўли билан умумлаштириб, уларнинг моҳияти очилиши берилган.

Ўзбек тилшунослиги XX асрнинг 20-йилларидан 80-йилларгача амалий босқични босиб ўтганлиги ҳамда “тилнинг сатҳлари, тилшуносликнинг бўлимларини аниқлаш”, “ҳар бир сатҳга доир бирликларни чегаралаш”, “бирликларнинг сезги аъзоларига таъсир қиладиган аломатларини ёритиш” каби ишларни амалга оширилганлиги тилга олинади[4.Б.9]. Ва шулар асосида фонетика, морфология ва синтактик каби тилшунослик бўлимларининг моҳият очиб берила бошлаганлиги эътироф этилган.

Эмпирик - ажратиб олиб ўрганиш бўлса, ҳар қандай бирликларнинг моҳиятини унинг бошқа системадошларига муносабатини чуқур таҳлил қилиш орқали ўрганиш, назарий ўрганиш, систем ёндашув эканлиги айтилади.

Борликдаги ҳар қандай нарсанинг икки: умумийлик, моҳият, имконият ва сабабсиз ҳамда алоҳидалик, ҳодиса, воқелик ва оқибат каби жиҳатларини ўрганишни тақозо этади. Бу жиҳатларни ўрганишдан олдин диалектика атамасининг мағзини чақмай туриб амалга ошириш бўлмайди. Диалектика - лисоний омил онг билан идрок этилади. Нарса ва ҳодисаларни қиёслаш, умумлашма хулоса чиқарадиган фалсафий таъминот[4.Б.11]. Биз юқорида ҳам УМИС ва АҲВО га тўхталиб ўтдик, шундай бўлса-да, яна чуқурроқ таҳлил қилиш мақсадида бунинг бошқа бир жиҳатларига ҳам эътибор қаратамиз.

УМИС – номоддий (фақат ақлий тасаввур), такрор (лисоний шакллар онгда такрорланади) ва чекли АҲВО – моддий, бетакрор (онгда турли кўринишлардан намоён бўлади, чексиз (ҳар бири алоҳида ҳодиса).

Олим лисон, нутқ ва тилга қуйидагича таъриф беради. Умумий борлиқ учун хос бўлган УМИС нинг тилдаги кўриниши лисон (аниқроғи, лисоннинг мазмуни) АҲВО ники эса нутқ (аниқроғи, нутқнинг мазмуни) деб юритилади.

Лисон ва нутқ мажмуи тил бўлиб[4.Б.19], унга қуйидагига таъриф беради. “Тил – тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришга, борлиқ ҳақидаги билимларни хотирада қатъий система сифатида сақлашга, ахборот узатиш ва қабул қилишга хизмат қилувчи муҳим бирламчи ижтимоий - руҳий коммуникация воситаси бўлиб, у ўз ичига лисоний ғоя (УМИС) ва тажалли (АҲВО) ларни ҳам УМИС нинг АҲВО га ўтиш қонуниятларини ҳам қамраб олади[4.Б.22].

Лисон маълум бир тил жамиятининг барча аъзолари учун аждодлар томонидан тайёр ҳолга келтириб қўйилган, умумий ва мажбурий, фикрни шакллантириш, ифодалаш, узатиш ва бошқа мақсадлар учун хизмат қиладиган восита (бирлик)лар ҳамда уларнинг ўзаро бирикиш қонуниятларнинг онгдаги системаси[4.Б.24].

Демак, аждодларимиз томонидан фонемалар, лексемалар иборалар морфемалар ҳамда уларнинг ўзаро бирикиш қолдирилган бўлиб, улар нутққа шай ҳолда туриши назарда тутилади. Лисон ва нутқ тилшуносликда сатҳ атамаси билан юритилишини айтиб, тил лисоний ва нутқий сатҳлардан иборатлигини таъкидлайди.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

Хуллас, лисоний бирликлар виртуал хусусиятга эга бўлиб, яъни онгда мавжудлик табиатига эга. Бу шаклий ва мазмуний жиҳатлари борлигидан далолат беради ҳамда бири иккинчисиз намоён бўла олмаслигини эътироф этади.

Нутқ лисоний бирликнинг жамият аъзолари онгида ўринлашган меъёрий асосида муайян моддий (ёзма, оғзаки ва бошқ.) шакллардан бирида воқеланишидир[4.Б.25]. Меъёр – лисоний бирликнинг нутқда воқеланиши учун танланиш омил ва усуллари мажмуи.

Бугунги кунда тилшуносликнинг янги қирраларини ўрганиш ривожланиш босқичи десак адашмаган бўламиз. Чунки янгилик бу фан ривожида М.Ў.Мирзақулов ўзбек тили морфемикасини систем-структур нуқтаи назардан дастлабки илмий-тадқиқот тажрибаларини бошлаб берган олимлардандир. Олим 1994 йилда “Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди[5].

Диссертацияда ўзбек тили морфемикаси объекти, бирликлари, мазмуни ва мундарижаси, “сўз таркибида морфема” қоидасини ҳам ўз ичига олувчи беш (фундаментал) қоида – “тил системасида морфема қоидаси асосида белгиланиши, морфем айниятлилик, умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик диалектикасига биноан, ҳар бир синхрон босқичда шакл ва мазмунинг нисбий уйғунлиги, мувофиқлигига асосланиши, парадигматика қамровида биринчи марта морфемаларнинг янги функционал-семантик таснифи тавсия этилди, тил маъно-мазмун сатҳи бирликлари тадқиқ қилинди. Бундан ташқари, олим морфемалар синтагматикаси, синтагматика жараёнида семантик ва асемантик бирликларнинг ёндаш келиши мазмун ва шаклнинг турига муносабатларига ҳам ойдинлик киритган[4.Б.7;12.Б.25-31]. Тилшуносликка систем-структур нуқтаи назардан ёндашиш масаласи жадаллаша бошлади. Бунга лисон сифатида Ш.М.Искандарованинг “Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдан сифатида ўрганиш (шахс микромайдони)” мавзусидаги докторлик диссертацияси юзага келди[3].

Диссертацияда ўзбек тили лексик системаси яхлит ҳолда “мазмундан шаклга” тамойили, шахс архисемаси орқали бирлашган лексемаларнинг майдонларга бирлашиш асослари ҳамда фарқловчи семалар воситасида микромайдонларга бўлиниш мезонларини белгилаш, майдон бирликлари ўртасидаги поғонали (иерархик) муносабат асослари, майдон ва унга ёндош ҳодисалар, мазмуний майдоннинг мантиқий тузилиш ҳамда мазмуний категорияларнинг тил бирликларини тасниф этишидаги роли каби ўзбек тилшунослигидан ечимини кутаётган муаммоларни атрофлича ёритиб берган.

Х.З.Хайруллаевнинг “Тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатлари” мавзусидаги 2018 йилда ҳимоя қилинган докторлик диссертациясида сатҳни белгилашнинг тил бирликлари билан боғлиқлиги асосланган, тил бирликлари сатҳ тушунчасининг асосида ётиши, тил сатҳи сони ҳам шуни мувофиқ бўлиши тил

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

сатҳлари ҳам, нутқ сатҳлари ҳам бир-бирининг иштирокисиз мавжуд бўла олмаслиги, тил сатҳлари ичида синтагматик муносабат мавжудлиги ва уларнинг ҳар бири система ичида система тарзида фаоллик кўрсатиши каби мунозарали масалалар очиб берилган[8].

2019 йилда филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида “Ўзбек тилини субстанциал-прагматик тадқиқ қилишнинг методологик асослари” [2] мавзусини ёритиш ўзбек тилшунослигидаги яна бир ечимини кутиб турган муаммоларга қаратилган эди. Бугунги кунда дунё тилшуносликда лисоний фаолият ва унда инсон омилининг намоён бўлиш аспектларини ўрганиш тенденцияси кучайиб, тилни инсон, унинг онги, тафаккури, руҳий-амалий фаолияти билан боғлаб талқин қиладиган тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бу диссертация ҳам шулар жумласига киради. Тадқиқотда тилнинг имконият ва воқелик муштараклиги давр талаби эканлиги ва бу ҳозирги ўзбек тилшунослиги асосида рўёбга чиқиши, тил имкониятининг нутқий воқеланиш фонетик, лексик, грамматик ҳамда шахсий, макон-замон майллари ҳамкорлиги ва яхлитлигидан иборатлиги, диалектика ва синергетиканинг қонун ва категориялари ўзбек тилини имконият-воқелик яхлитлиги, очиқ система назарияси эса, умумфан методологияси эканлиги ҳамда лисоний имкониятнинг нутқий воқеланишида танлов, қонуниятнинг муқаррарлиги, маълум вазият, шароит учун бирор тил бирлигини танлашда уларнинг даражаланишига таяниш зарурлиги каби мунозарали масалаларга мисоллар орқали асосли ечим топилган. Бундан ташқари жаҳон тилшунослигида, қолаверса, ўзбек тилшунослигида бу муаммога доир фикр билдирган олимларни қарашларини асосли равишда келтириб ўтган.

А.Б.Пардаевнинг “Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларнинг лисоний тизимидаги ўрни ва лингвопрагматикаси” мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳам систем-структураси тилшуносликнинг маълум бир сатҳини ўрганиши қаратилган[6]. Диссертацияда ёрдамчи сўз туркумларнинг субстанциал-прагматик хусусиятлари шаклий босқичлар ва вазифавий-семантик хусусиятлар сўз сифатида қабул қилиниб, грамматик вазифа бажаришга хосланганлиги, “сўз” – “морфема” зидланишда оралиқ учинчи мавқеда эканлиги аниқ мисоллар ёрдамида очиб берилган.

Бугунги кунда тилшуносликда ечимини кўриб турган муаммолардан бири туркумдан туркумга кўчиш масаласидир. Олим ёрдамчи сўз туркумларнинг ўзаро кўчиши билан боғлиқ жиҳатларни ҳам таҳлил қилиб ўтган. Тадқиқотда ёрдамчи сўзларни шакл-вазифа жиҳатидан тизимий таснифлаш ва ўнга яқин параметрлар бўйича илмий хулосаларга келиш учун формал, субстанциал ва дискурсив таҳлил усулларидан фойдаланганига гувоҳ бўламиз.

ХУЛОСА

Ўзбек илмий тилшунослигидаги янги даврга янгича қўйилаётган қадамлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

олимларимиз томонидан турлича талқин этилмоқда. Истиқлол даврида ўзбек тилшунослигининг олдинги авлод вакиллари ва улар қаторини тўлдирган кейинги авлод вакиллари илмий тилшунослигининг тўлиқ шаклланишини таъминлашда катта ҳиссаси қўшган. Бу даври ўзбек тилшуносликнинг энг мураккаб сатҳларига алоқадор ва ечимини кутаётган, назарий асосланиши долзарб бўлган, назарий тилшуносликнинг ҳолатини белгилаб берувчи тадқиқотлар сирасига М.Миртожиев, А.Ҳожиев, А.Нурмонов, Ш.Сафаров, Р.Расуловларнинг илмий асарлар киритиш мумкин. Бироқ Азим Ҳожиевнинг “Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари” монографиясида лисон ва нутқ масаласига жиддий эътибор қаратган ҳамда бу борада илмий тадқиқот олиб борган олимларимизнинг ишларига ҳам тўхталиб ўтган.

Профессор Р.Сайфуллаеванинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида тилнинг ўзига хослиги – фонетик, лексик, грамматик структуранинг яхлит ўрганилганлигига гувоҳ бўлсак, Б.Менглиевнинг “Ҳозирги ўзбек тили” дарслигида лисон, нутқ, тил муносабатларини жуда содда кўринишда таҳлил қилган бўлиб, бу уч муносабат масаласига ойдинлик киритиш мақсадида, дастлаб, илмий билиш назариясини чуқур ўрганмоқ лозимлигини таъкидлайди.

М.Ў.Мирзақулов эса ўзбек тили морфемикасини систем-структур нуқтаи назардан дастлабки илмий-тадқиқот тажрибаларини ўзининг “Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари” мавзусида докторлик диссертацияси билан бошлаб берган олимлардандир. Ш.М.Искандарованинг диссертацияда ўзбек тили лексик системаси яхлит ҳолда “мазмундан шаклга” тамойили, шахс архисемаси орқали бирлашган лексемаларнинг майдонларга бирлашиш асослари ҳамда фарқловчи семалар воситасида микромайдонларга бўлиниш мезонларини белгилаш, майдон бирликлари ўртасидаги поғонали (иерархик) муносабат асослари, майдон ва унга ёндош ҳодисалар, мазмуний майдоннинг мантиқий тузилиш ҳамда мазмуний категорияларнинг тил бирликларини тасниф этишидаги роли каби ўзбек тилшунослигидан ечимини кутаётган муаммоларни атрофлича ёритиб берган.

Х.З.Хайруллаев, Ж.Ё.Ибрагимов ва А.Б.Пардаевларнинг илмий тадқиқотларида ҳам тилга система сифатида ёндашиш, тилнинг барча сатҳларини замон тилшунослиги билан ҳамоҳанг ҳолатда олиб бориш ва келажакда тилнинг равнақи жаҳондаги барча тилшуносликлар қаторида туриши учун хизмат қилиши биринчи вазифа қилиб олинган.

REFERENCES

1. Звегинцев В.А. История языкозания XIX–XX веков в очерках и извлечениях. № 1,2. – Москва, 1964.
2. Ибрагимов Ж.Ё. Ўзбек тилини субстанциал-прагматик тадқиқ қилишнинг методологик асослари. Фил. фан. бўй. фалсафа док. автореф.-Қарши, 2019. -42б.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00980

3. Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдан сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Фил. фан. док. дисс. автореф.-Тошкент, 1999.
4. Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек тили. –Тошкент: Тафаккур бўстони, 2018. 5. Мирзақулов Т.Ў. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари. Фил. фан. док. дисс. автореф.-Тошкент, 1994.
6. Пардаев А.Б. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларнинг лисоний тизимидаги ўрни ва лингвопрагматикаси. Фил. фан. док. дисс. автореф.-Тошкент, 1994. 71 б.
7. Сайфуллаева.Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент, 2010.
8.Хайруллаев Х.З. Тил ва нутқ бирликларининг иерархик муносабатлари. Фил. фан. док. дисс. автореф.-Тошкент, 1994. 69 б.
9. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. –Тошкент: Фан, 2010. –Б.6.
10. Sharipov F.G. Attitude to the piural affix in Uzbek language // Buxoro davlat universiteti Ilmiy axboroti. –Бухоро. 2021. №1. –Б.50-64.
11. Sharipov F.G., Sharipov T.F. O’zbek tilshunosligida morfonologoyaga doir talqinlar // Academic research in educational sciences. –Toshkent, 2021. №2/2.
12. Sharipov F.G., Sharipov J.G. The Intial period of formation of the uzbek scientific linguistics // Guliston davlat universiteti axborotnomasi. –Guliston, 2020. №4. –Б. 25-31.